



# Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2020 йил 23 июнь • сешанба • № 68 (4353)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Шижоат инсониятнинг соф ойинаси, ифрат, ғайрат, истиқомат каби яхши хулқларнинг нурунийсидур.  
Абдулла Авлоний



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 23-24 июнь кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлади.

Ташрифнинг биринчи кунини дастурга мувофиқ, олий даражада икки томонлама музокаралар ўтказиш режалаштирилган. Кўп қиррали Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

24 июнь кунини давлатимиз раҳбари фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирларда иштирок этади.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 июнь кунини Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Элбоши Нурсултон Назарбаевга тез орада тузалиб кетишини, мустақкам соғлиқ ва куч-қувват тилади.

Мулоқотда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг жадал ривожланиётган икки томонлама муносабатлари ва иқтисодийга пандемия оқибатларининг салбий таъсирини камайтириш борасида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан биргаликда кўриладиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни янада кучайтириш муҳим экани таъкидланди.

Кўп асрилик дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган Ўзбекистон – Қозоғистон амалий ҳамкорлиги изчил кенгайтириб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Узаро манфаатли алоқаларнинг устувор йўналишларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ундан ортиқ янги лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган санат кооперациясини мустақкамлаш бўйича «йўл харитаси» маъқулланди.

Бўлажак учрашув ва тадбирлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбаев Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига тинчлик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

ЎЗА

## Қорақалпоғистон Республикаси

Бўзатов туманида ҳам ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг баҳор ойида «Бўзатов» шаҳарча фуқаролар йўғини ҳудудининг 5 гектар ер майдонини «Ёшлар боғи» ташкил этилган эди. Айни пайтда ушбу иссиқхоналарда пишиб етилган помидор ва бодрич пешма-пеш бозорга чиқарилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан ташкил этилган «Мўйинок келажак бунёдкорлари» масъулияти чекланган жамиятида эса 40 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Мазкур жамият тасарруфидоғи ер майдонининг 118 гектарига маккажўҳори, 50 гектарига беда экилган.

## Бўзатовнинг фидойи ёшлари



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар

## Ёшлар бандлиги

«Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши (ТТДХК) нинг эртага 6 ўл и б ўтадиган Туризм вазирлари V йиғилишида Ўзбекистон ҳам иштирок этади.



Германияда чоп этиладиган «Neue Zeiten» журналининг июнь ойи сонинда «Ўзбекистон коронавирус пандемияси шароитида: давлатнинг қўллаб-қувватлови» сарлавҳали мақола чоп этилди.



Мамлакатимизнинг Украинадаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Курманов ишонч ёрликлари нусхаларини Украина ташқи ишлар вазири ўринбосари Евгений Енинга топширди.



Қобул Йўлдошев Маданият вазирилик ҳузуридаги М.Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли давлат муассасаси директори лавозимига тайинланди.



Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Шавкат Абдуразақов ва БМТ Озёк-овкат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (FAO) Марказий Осиё бўйича минтақавий координатори Вноер Гуту ўртасида онлайн мулоқот бўлиб ўтди.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди «Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари» шiori остида ёшларни она юртга садқот руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий ғазилатларни шакллантириш» мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун 3-танловини эълон қилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди «Ишонч манфаатлари ҳамма нарсдан устун» – қонун устуворлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашда демократик институтларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун 4-танловини эълон қилди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

## Брифинг

# Тест синовлари 1 августда бўлади(ми?)

Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази брифинг ўтказди

Унда таъкидланишича, тест синовларига 5 минг 300 нафар гуруҳ назоратчиси жалб этилиши режалаштирилган. Айни вақтга 5 минг 403 нафар гуруҳ назоратчилигига номзод рўйхати шакллантирилиб, Давлат тест марказининг «STAFF» маълумотлар базасига киритилган.



Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш ўтган йили Давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан амалга оширилган эди. Жорий йилда бу иш шулар қаторида Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали ҳам онлайн режимда амалга оширилади. Таъкидлаш керакки, онлайн рўйхатдан ўтиш давомида таълим муассасаларини аввали йилларда битирган абитуриентлар электрон тўлов орқали

тўловни амалга имконияти ҳам яратилади.

Пандемия шароити ҳисобга олиниб, 2020/2021 ўқув йили учун истисно тариқасида бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест синовини топшириладиган фанлар қисқарди. Жорий йилда ўтказилиши аввалдан белгиланган 3 та мажбурий фан – она тили (ўзбек,

рус, қорақалпоқ тиллари), математика, Ўзбекистон тарихи фанларидан тест синовини ўтказилмайди. Фақат танланган таълим йўналишига мос 2 та мутахассислик фанидан тест бўлиши белгиланди. Тест синовлари 64 та бинода ўтказилади. Биноларни тайёрлаш ишлари тугатилмоқда.

Тест синовини топширилиши

кўзда тутиладиган иккита мутахассислик фанининг ҳар бирида 30 тадан, жами 60 та тест топшириғи берилди. Биринчи фандан тўғри, деб топилган ҳар бир тест топшириғига 3,2 балдан, иккинчи фандан тўғри, деб топилган ҳар бир тест топшириғига эса 3,1 балдан берилди. Абитуриентларнинг умумий тўплаши мумкин бўлган энг юқори кўрсаткич 189 баллни ташкил этади.

– 2020/2021 ўқув йилида барча олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест синовлари 1 августдан бошланадиган бўлади, – деди Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ўтказган брифингда марказ бўлим бошлиғи Ф.Мирзаев. – Бунда карантин чекловларининг 1 августга қадар чўзилгани ҳисобга олинди. Бироқ унутмаслик керакки, агар карантин чекловлари чўзилса, мuddат ўзгариши мумкин.

Ўз мухбиримиз



**koronavirus info**  
Республика махсус комиссиясининг қарорига мувофиқ кучайтирилган санитария-гигиена назоратини таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Унга мувофиқ:

– Тошкент шаҳрида коронавирус инфекцияси аниқланган «қизил» ҳудудларни блокпостлар ўрнатган ҳолда маҳалла, даҳалар ва кўчалар кесимида ёпилиши, карантинга олинган фуқароларнинг уйи олдида 24 соатлик навбатчилик ташкил этилади;

– Коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари камайган давлатлардан Ўзбекистонга кириб келаётган фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида уларнинг хоҳишига кўра 14 кунлик карантин назорати даврини ҳақини тўлаган ҳолда меҳмонхонада ўтказиш ҳуқуқи берилди;

– Супермаркет ва бошқа йирик дўконларда санитария-эпидемиологик назорат кучайтирилмоқда, ушбу объектларнинг кириш-чиқиш жойларини пирометрлар ва антисептик воситалар билан жиҳозлаш, ҳар бир фуқаронинг тана ҳароратини ўлчаб, 37°C ва ундан юқори бўлган ёхуд инфекция аломатлари мавжуд бўлган ҳолда ушбу мажмуаларга киритмаслик, ижтимоий масофани сақлаш, тиббий никобда бўлиш талаблари белгиланди. Супермаркет ва бошқа йирик дўконларга киришда уларни бепул қўлқоп билан таъминлаш назарда тутилмоқда;

– Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва Транспорт вазирлигидаги автобус рейсларида тирбандликка йўл қўймастик ҳамда бошқа санитария-эпидемиология талабларига қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш топширилди;

– Худудлардаги барча бозорлар санитария-эпидемиологик тадбирларини, шу жумладан, дезинфекция ишларини амалга ошириш учун ҳар ҳафтада бир маротаба ёпилиши белгиланди;

– Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясига жамоат жойларида санитария-эпидемиология талабларига риоя этилиши устидан назорат тадбирларини (рейдларни) мунтазам равишда кучайтирилган тартибда ташкил этиб бориш юклатилди;

– Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли ҳудудда карантин қоидаларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари белгиланди.



## Келгуси сонларда ўқинг...





Бухоро вилояти

# Масъулиятсиз раҳбарларга танбех

Маънавиятда мажбурий меҳнатнинг олдини олишга жиддий эътибор берилмаётган бир пайтда, айрим раҳбарлар ушбу масалага ҳануз панжа орасидан қарамоқда. Қолаверса, ҳозирги эпидемиологик вазият раҳбар кадрлардан ҳодимлар билан муносабатларда масъулиятни янада оширишни талаб этади.



Шу йилнинг 18 июнь куни Бухоро вилоятининг Пешку туманида кузатиш қонунбузарлик бу борада қилинадиган ишлар ҳали кўп эканини кўрсатди. Ушбу ҳудуддаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди иш жараёни пандемия туфайли вақтинча

лик тўхтатилган, яқиндан бошлаб эса маскандаги спорт секциялари фаолиятини тиклашга киришилган эди. Чунки Республика Маҳсул комиссияси хулосасига кўра карантин талабларининг юмшатилиши сабаб «яшил» ҳудудлардаги шундай спорт мактабларида машғулотлар қайта тикланганди. Аммо ўқув даргоҳи директори Хотам Облобердиев шу йўналишдаги чора-тадбирлар фақат қонун доирасида, ҳодимларнинг тегишли хизмат вазифаларига мос равишда амалга оширилиши лозимлигини унутганга ўхшайди. Йўқса, у кўл остидаги қирқ уч нафар спорт мураббийсини маскан ҳудуди, хусусан, стадионидида

ободонлаштириш юмушларига мажбуран жалб қилмас эди. Афсуски, уша ҳодимлар орасида ҳомилидор аёллар ҳам бўлган.

Ушбу ҳуқуқбузарлик давлат меҳнат уюшмаси кенгаши ва бошқа мутасаддилар томонидан ўрганилди. Маълум бўлишича, ўқув даргоҳида бундай ҳолат биринчи марта рўй бермаётган экан. Педагог-мураббийлар бундан олдин ҳам спорт мактабининг телеграм гуруҳи орқали турли ваз-қорсон билан хизмат вазифаларидан ташқари ишларга қақирилган, директорнинг буйруғини бажармаганларга чора кўрилиши таъкидланган. 18 июндаги воқеа тафсилотлари оммага маълум бўлиб, ОАВ, ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинган, даргоҳдаги ана шундай нохуш ҳолатга чек қўйилди.


Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолатни масъуллар батафсил ўрганиб, Пешку тумани жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директорига интизомий жазо чоралари кўрилди. Хусусан, Ҳ.Облобердиевга Маъмурий жа-



вобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси, 1-қисмига кўра, 11 миллион 150 минг сўм миқдорда маъмурий жарима белгиланди. Бухоро вилояти Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғига шу каби қонунбузарликлар бошқа такрорланмаслиги бўйича қаттиқ оғохлантириш берилди. Ўз навбатида, Таълим фан ва маданият ҳодимлари касба уюшмасининг

ҳудудий кенгашлари бошланғич тақдирларида бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан иш берувчи ҳамда ҳодимлар ўртасида тушунтириш ишлари амалга ошириляпти.

**Матқуб ҲОЖИЕВ,**  
Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касба уюшмаси Пешку тумани кенгаши раиси



Самарқанд вилояти

Азиза Акабоева шогирдлари камолотига катта умид боғлаган ўқитувчилардан. Коронавирус пандемияси боис жорий этилган карантин кунларида ҳам у тиним билмади. Ўз ўқувчиларига онлайн сабоқ беришга қаттиқ тиришди. Аммо...

Оғриқ тишлар...

## Айбдор — интернет!

Ўхш қўшроботлик ўқитувчи Азиза Акабоева нимадан ранжимокда?


— Синфимда 18 нафар ўқувчи тақсил олади, — дейди Қўшробот туманидаги 77-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Азиза Акабоева. — Уларнинг ҳар бири билан боғланишга, тўхтаб қолган тақсилни онлайн тарзда давом эттиришга уриндим. Аммо бироз қийналдим. Ўқувчиларга таълим беришдан эмас, алоқа сифатидан. Қишлоқларни кўя турайлик, биз яшайдиган туман марказининг аксар ҳудудларида интернет ишламайди.

Азизанинг айтишича, ҳам антенна бўлмаган, баланд қирларга йўл олибди. Бир амаллаб 18 нафар ўқувчисининг ўн нафари билан уланибди. Ҳар куни кечкурун лаш-лушни кўтариб қирга чиқиб кетаётган Азизага кўзи тушган кўни-кўшилар ҳам ҳайрон. Шомда адир тепасида туриб туннинг аллаҳмаҳлигача дарс ўтган муаллима икки ойдан зиёд вақтини шу тарзда ўтказибди. Аммо у алоқа сифати но-боплиги боис, ўз ишидан қаноат ҳосил қила олмаяпти. Сабоб-қадар мулкча четда қолиб кетган 8 шогирдини ўйлайди. Келгуси ўқув йилида уларнинг «оқсаб» қолиши аниқ экан. Алоқа ва интернетни «қувиб» ушломмаган устоз мураббийнинг ҳафсаласи пир бўлган.

— Пандемия сабабли ишда бўлмаган кунларимиз учун ҳам ойлик маошларимиз узлуксиз тўла берилди. Ана шундай шароитда ишламай уйда ўтириш инсофдан эмас, — дейди Азиза. — Ноқулай бўлса-да, қир-адирларга чиқиб ўқувчиларимга дарс ўтдим. Тўғриси, шаҳар билан қишлоқдаги алоқа хизмати ўртасида фарқ катта. Бу интернет деганлари ҳам қишлоқдан юз ўғирганини билмаган эканман.

Ун саккиз йиллик иш тажрибасига эга бўлган мураббийга қандай таскин беришни билмайсан киши. Балки, бунга мутасаддилар изоҳ беришар?

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«ISHONCH»



Тошкент вилояти

## «Гулзор»да қувноқ мавсум

Олмалик кон-металлургия комбинатининг Бўстонлик туманидаги «Гулзор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 124 нафар бола мароқли ҳордиқ чиқармоқда. Жажжиларнинг 40 нафари Бўқа туманидаги 15-сонли Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари.

Пандемия шароитида карантин тартиб-қоидаларига қатъий амал қилиш оромгоҳида алоҳида эътиборга олинган. Масканга кириб келадиган ҳодимларнинг тана ҳарорати ўлчангани ва улар дезинфекция туйнугидан ўтади.

Оромгоҳ раҳбари Зухра Маҳкамованинг маълум қилишича, болаларнинг тиббий ниқоби кунига 5 мартабага, қўлқоп эса ҳар 3 соатда алмаштирилади. Барча антисептик восита-

лар, тиббий ниқоб ва қўлқоплар комбинат касба уюшмаси ҳисобидан таъминланмоқда.

Оромгоҳда болалар «Моҳир қўллар», «Рассомчилик», «Инглиз тили», «Маънавият», «Рақс» каби тўғаракларда шуғулланишади. Улар бу тўғаракларда дам олиш вақтларини мазмунли ўтказишади. Стол тенниси, шахмат-шашка, футбол каби тўғараклар эса болажонларнинг саломатлигини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Ўн беш мингга яқин турли хил адабиётлар жамланган кутубхона ҳар куни соат 9:00дан 18:00 гача келажагимиз ворисларининг хизматида.

Оромгоҳдаги ҳар бир кун қувончли ва серзавқ. Болалар «Эстрада» деб номланган сахнали майдончада сахналаштирилган томошалар кўйишади. Бу жараёнда улар ўз ижодий ишларини тенгдошларига ҳавола этишади.

Оромгоҳ тиббиёт хонаси керакли барча дори-дармонлар билан таъминланган. Бу ерда тажрибали болалар шифокорлари тун-у кун болалар саломатлигига посбон бўлиб туришибди.

**Зебо НАМОЗОВА,**  
«ISHONCH»

норлик қилувчи ҳодимларга қон топширган куннинг эртасига дам олиш учун бир кун берилади.

— «Касб тақозосига кўра, шикастланиш» бундай вазиятларда қонунчиликда нималар белгиланган?

— Иш вақтида ҳодимнинг мазаси қочиб қолса, унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббий муассасага олиб бориш, зарур бўлганда, харажатларни қоплаш корхона эки ташкилот раҳбарияти зиммасидадир.

бошқа ҳодимлари.

Тиббий кўрик ҳодим саломатлигининг умумий назоратини таъминлаб, ўз вақтидаги даво меҳнатга қобилиятсизлик ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади. Шунингдек, ҳодимлари соғлиғи, меҳнатдан пайдо бўладиган зарарлардан ҳодимларини муҳофаза қилишни кўзлаган раҳбар, албатта, бунинг олдини олиш чораларини кўради. Масалан, ишчиларни даволаш-профилактика хизмати, физиологик қувватини кўтарувчи озиқ-овқатлар, сут маҳсулотлари, қола-

Долзарб мавзу

# МЕҲНАТ ВА СОҒЛИҚ

бир-бирига дахл қилмаслиги лозим

ларимиз фаолиятида ҳам ноқулайлик туғдиради. «Ноқулай меҳнат шароити эки алоҳида тусга эга бўлган ҳодимлар деганда нимани ва кимларни тушунишимиз керак?», деган ҳақли савол туғилиши шубҳасиз. Масалан, физикавий, кимевий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари «ноқулай меҳнат шароити»га мисол бўлса, «алоҳида тусга эга бўлган ҳодимлар» дейилганда, шифокорлар ва ўқитувчиларни тушунишимиз мумкин бўлади. Бинобарин, уларнинг ишида ноқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб таранглиги кузатилади. Шу ўринда ёш болалар онанинг бу борадаги имтиёзини ҳам эслатиб ўташимиз. Улар ҳам бола соғлиғи ва тўғри тарбиялигини таъминлаш учун қонуни иш вақтининг қисқартирилиши имкониятидан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

— Таътилдаги имтиёз нима?

— Меҳнат кодексининг 134-моддасига кўра, йиллик асосий таътил муддати 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак. Бу — барча ишчи-ҳодимлар учун белгиланган меъёр. Аммо қонунчиликда истисно тартибда 18 ёшга тўлмаган, I ва II гуруҳ ногирони ҳисобланган ҳодимлар, меҳнат шароити ноқулай ҳамада ўзига хос ишда ишловчиларнинг таътили узайтирилиши белгиланган. Демак, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун 6 ой ишлангандан кейин берилса, 18 ёшга тўлмаганлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, аёллар ҳомилидорлик ва туғиш таътили олдида эки ундан кейинги муддат учун таътилни 6 ой ўтмасдан ҳам сўраш ҳуқуқига эга.

Ташкилот ҳодимларининг тиббий текширувдан ўтишига тўғри келса, бунга иш вақти ҳисобидан рўхсат берилди. До-

Меҳнат кодексининг 189-моддасида меҳнат шароитида майиб бўлиш, шикастланиш, касб касалига чалиниш ҳолатларида етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмида тўлаш шартлиги баён этилган. Ҳодим ишдаги вазифасини амалга ошираётиб, хоҳ ташкилот ҳудудида, хоҳ ташқарисида зарар кўрсин, жавобгарлик иш берувчининг зиммасида бўлади. Иш берувчи ажратган транспортдан фойдаланаётгандаги у эки бу шикастланишни даволаш учун моддий таъминот ташкилот ҳисобидан қопланади. Башарти, зарар ҳодимнинг айби билан узога келса эки қасддан содир этилса, ташкилот моддий тўлов мажбуриятидан соқит бўлади. Ҳодим меҳнатдаги оғир шикаст туфайли вафот этган ҳолларда зарар оила аъзоларига тўланади.

— Ҳодимлар ўртасида тиббий кўрик шартми?

— Иш давомиди куйидаги ҳодимлар тиббий кўриқдан ўтказилиши шартлиги Меҳнат кодексининг 214-моддасида белгиланган:

- 18 ёшга тўлмаганлар;
- 60 ёшга тўлган эркаклар, 55 ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шароити ноқулай, транспорт ҳаракати билан боғлиқ, тунги ишларда банд бўлганлар;
- озиқ-овқат саноати, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларда фаолият юритувчилар;
- умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим эки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва

верса, махсус кийимлар ва гигиена воситалари билан бепоул таъминлайди.

— Ҳодим хасталанса, меҳнат шартномаси бекор қилинадими?

— Раҳбар корхонага ҳодим олаётганида бир қанча жиҳатлар, жумладан, унинг саломатлигига ҳам аҳамият беради. Башарти, ишга жойлашганда соғлом ҳодим, маълум бир вақт ўтиб, касалликка чалинса ва бу иш сифатига таъсир кўрсатса, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Фақат бу ҳақда камида икки ҳафта олдин оғохлантириш бериши керак. Агар раҳбарнинг ҳодим соғлиғи ҳақидаги фикрларини тиббий хулоса ҳам тасдиқласа, оғохлантириш шарт эмас. Бундай ҳолатларда ҳодимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдориди компенсация тўланади, холос. Меҳнат кодексининг 113-моддасида ҳодим мажбурий тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товланган эки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссия тасвияларини бажармаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўймаслига ҳақли экани белгиланган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, саломатлик ҳар нарсадан устун эканини, аввало, ҳодимнинг ўзи тушуниб этиши керак. Ишга муккасидан кетиб эки нотўғри ёндашиб, ўз вақтида дам олиш, даволашни ва ўз саломатлигига эътибор бермас, албатта, ҳар кимнинг ҳам меҳнат қобилияти пайсايиб кетади. Шу боис, қонунчилигимизда меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига жиддий эътибор берилган. Унга амал қилиш ва ундан тўғри фойдаланиш жамиятимиз фаровонлигига хизмат қилади.

**Дурдона АЛИМОВА**  
сўхбатлашди



«Ishonch»да чоп этилгач...

Коронавирус пандемияси сабаб Жиззах вилоятида фаолият қурятган 10 945 та тадбиркорлик субъектининг 6271 таси ишламаётган эди. Бугунга келиб, «яшил ҳудуд»да карантин қоидаларига мувофиқ, 5 469 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта йўлга қўйилиши натижасида жами 43 105 та иш ўрни тикланди.




## Тўғри хулоса чиқарилди

«Ishonch» газетасининг шу йил 16 июндаги сонидида чоп этилган «Унутилаётган карантин қоидалари» сарлавҳали танқидий мақолада «Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 270 ўринли тиббиёт комплексини бунёд этаётган «Агроқвант» МЧЖ раҳбарияти карантин қоидаларига риоя этмаётгани баён этилган эди.



назорат қилувчи жамоатчилик ишчи гуруҳи вазиятни ўрганиб чиқди. Урганишда «Агроқвант» МЧЖ раҳбарияти қурилиш объектига кириш дарвозаси олдида транспорт воситаларини дезинфекция қилиш, ҳароратни ўлчаш, антисептик воситалар билан таъминлангани маълум бўлди. Бундан ташқари, ётоқ жойлари умумий ҳолатдан масофа сақланган ҳолатда ташкил этилгани, ундан ташқари, ишчиларга махсус кийим, шахсий химоя воситалари берилгани аниқланди.

**Икром ЖАБОБОВ,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Меҳнат техник инспектори  
**Сўхроб НУРУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Меҳнат ҳуқуқ инспектори



### САВОЛ:

*Айрим ходимларимиз сменали режимда ишлайди. Шу туфайли уларнинг умумий иш вақти давомийлиги белгиланган меъёрдан ошиб кетмоқда. Бу мехнат қонунчилигига зид эмасми? Ёки уларнинг ортиқча ишлаган вақтини «иш вақтидан ташқари иш» деб баҳолаб, икки ҳисса ҳақ тўлашнинг ўзи kifоями?*

### ЖАВОБ:

Аввало, «иш вақтининг нормал мuddати», «сменали иш» ва «иш вақтидан ташқари иш» деган тушунчаларни бир-биридан фарқлаш лозим.

Иш вақтининг меъёр мuddати ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги керак (Мехнат кодекс, 114-модда). Демак, ҳафтасига 5 иш кунни режимда ишлайдиганлар учун кундалик иш вақти 8 соатдан, 6 иш кунли режимда ишлайдиганлар учун ҳафтанинг 1 кунда иш вақти камида 2 соатга қисқартирилган ҳолда, кунига 7 соатдан ошмаслиги шарт.

Аммо ҳар доим ҳам бунга амал қилишнинг имкони йўқ. Баъзи ҳолларда ишлаб чиқариш зарурати сабабли айрим ходимлар, баъзан бутун мехнат жамоаси бундан кўпроқ вақт ишга жалб этилиши мумкин.

Бундай вазиятда МКнинг 123-моддаси иш берувчига ёрдам беради. Ушбу моддага

кўра, иш берувчи ишни иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш услубида жорий қилиши мумкин.

Бунинг учун иш берувчи куйидаги шартларга риоя қилиши шарт:

а) ҳисобга олинмаган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг (сменанинг) мuddати эса ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги лозим;

б) жамлаб ҳисобга олинганда юзага келган меъёри учун тўланган иш ҳақини «жамлаб ҳисобга олиш даври (мuddати)» тугагандан кейин иш вақтини ҳам, тўланган иш ҳақини ҳам умумий нормаларга тенглаштириш лозим. Яъни, мисол учун жамлаб ҳисобга олиш олти ой давом этган бўлса, кейинги олти ойда иш вақтларини қисқартириш ҳисобига белгиланган умумий давомийликка тенглаштириш керак бўлади.

Жамлаб ҳисобга олинмаган даврда ишлаганлик учун иш ҳақи умумий тар-



тибда тўланади.

Баъзида ҳақиқатан ҳам иш вақтидан кейин яна ишга жалб қилиш зарурати туғилиши мумкин. Бу эса «иш вақтининг меъёр давомийлиги»дан фарқ қилиб, «иш вақтидан ташқари иш» сифатида баҳоланади.

Иш вақтидан кейинги иш учун камида 2 ҳисса ҳақ тўлаши керак.

«Сменали иш» қайд этилган ҳар иккала тушунчадан ҳам фарқланади. Сменали ишда ишловчиларнинг иш вақти 12 соатдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Аммо 12 соатлик режим ҳисоблаб бо-

рилса, бир ҳафтада ҳафталик иш вақти белгиланган 40 соатдан кўп, баъзан эса кам бўлиши мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам, иш берувчи бундай режимда ишловчи ходимларнинг иш вақтини умумий ойлик ёки йиллик меъёрдан ошиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Бу қўшимча ходимларни ишга жалб қилишни тақозо этиши ҳам мумкин.

Саволда сўралганидек, белгиланган меъёрдан ортиқча ишлаган вақтга маълум бир давр якуни бўйича оширилган миқдорда ҳақ тўлаб қўйиш kifоя қилмайди. Чунки саволда назарда тутилган қўшимча ҳақ иш вақтидан ташқари вақтда ишлаганлик учун тўлашиши мумкин. Иш вақтидан ташқари вақтда ишга жалб қилиш учун ходимнинг розилиги керак бўлади ва бу ҳақда иш берувчининг алоҳида буйруғи чиқарилиши лозим. Қолаверса, иш вақтидан кейинги вақтда ишга жалб қилиш йил давомида 120 соатдан ошмаслиги керак.



рейс билан яқинда

### САВОЛ:

*Ходимимиз ўз ҳисобидан таътил олиб, хорижий давлатга кетган эди. Таътилни тугашига бир неча кун қолганда коронавирус пандемияси сабабли ўша ерда қолиб кетди. Ўз ҳисобидан таътил олинмаган деярли уч ой вақт ўтиб, у чартер рейс билан яқинда Ўзбекистонга қайтди ва 14 кунга карантинга жойлаштирилди. Иш берувчи сифатида ходимга мехнат қонунчилигига мувофиқ белгиланган уч ойлик ўз ҳисобидан таътилни бериб бўлди. Қолаверса, у бу йил учун мехнат таътилидан ҳам фойдаланиб бўлган. Шу кунлар учун таътил нима ёзиш керак? Унга қандай имтиёз беришим мумкин ёки ишдан бўшатилиши керакми? Чунки карантинга олинганга қадар орада бир неча кун узлиши бўляпти.*

### ЖАВОБ:

Тўғри, таъкидлаганингиздек, ходимнинг аризасига кўра, унга иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилиши мумкин. Унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Таътил ва карантинга олиниш орасидаги ходим ишламаган бир неча кун учун унга таътил ёзилганида ишга келмаганини тасдиқловчи ноль кўйилиши керак ва бу кунлар учун ходимга ҳақ тўланмайди. Президентимизнинг шу йил 19 мартдаги коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларга оид фармонининг 16-бандида коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган ходимлар билан мехнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таққиланган.

Карантинда даврида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.

# Пандемия ва карантин сабаб...

## Ходимлар ва иш берувчилар томонидан энг кўп берилаётган саволларга жавоблар

**САВОЛ:** *Бир ходимимиз декретга кетган вақти унинг ўрнига бошқа ходимани ўриндошлик асосида меҳнат шартномасида кўрсатган ҳолда ишга олди. У беш ой ишлади. Асосий лавозимда ишлайётган ходима ўз хоҳишига кўра ишга чиқди. Ўриндошлик асосида ишлаб келган ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш учун меҳнат Кодексининг 105-моддаси етарлими? У бошқа иш топиб берасизлар, деб талаб қилляпти.*

**ЖАВОБ:** Ўриндошлик асосида ишлайётган ходим ҳам шу корхонанинг ходими ҳисобланади. Чунки у ҳам меҳнат шартномаси асосида ишлайди. Фарқи шундаки, у корхонанинг аксарият асосий ходимлари сингари тўлиқ иш кунда эмас, балки тўлиқсиз иш режимида ишлайди.

Шунинг учун унинг ишда бўлмаган вақти (шу жумладан, ҳомиладорлик ва туғиш таътили, бола парваришlash таътили даврига) ўрнига бошқа ходим ишга қабул қилинган бўлса, бу лавозимда асосий ходим ҳисобланган ходим ишга қайтганда, унинг ўрнига қабул қилинган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга Меҳнат кодексининг 105-моддасида кўрсатилган асос етарлими.

Агарда асосий ходим ишга қайтган вақтда унинг ўрнига қабул қилинган ходима ҳомиладор бўлса ёки 3 ёшга тўлмаган боласи бўлса, унда МКнинг 237-моддаси талабига биноан, бу ходима билан меҳнат шартномасини МКнинг 105-моддасига асосан бекор қилишда уни бошқа иш билан таъминлаш чорасини кўриши керак. Ишга жойлаштириш даврида бу ходимнинг иш ҳақи сақланиб қолинади, бироқ бу муҳлат мuddатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

Демак, «бошқа иш топиб беринлар» дейишга фақат ҳомиладор ёки 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёл ҳақи. Таъкидлаш жоизки, агар иш берувчида бошқа иш ўрни мавжуд бўлмаса ёки ходима тақлиф қилинган ишга ўттишга рози бўлмаса, аёлнинг «бошқа иш топиб беринлар» деган талаби бажарилиши шарт эмас. Аммо уч ой давомида иш ҳақини тўлаш шарт.

### САВОЛ:

*Биз – тиббиёт ходимлари тиббий кўриқдан ўтиш учун ўз ҳисобимиздан пул сарфляптим. Шу тўғрими?*

### ЖАВОБ:

Меҳнат кодексининг 214-моддаси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, тиббий кўриқлардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чикимдор бўлмайди.

Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан куйидаги ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

ўн саккиз ёшга тўлмаганлар; олтиш ёшга тўлган эркаклар, элик беш ёшга тўлган аёллар; ногиронлар; меҳнат шароити нуқолай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар; озик-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

Маъзур ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бўйин тов-

лашга ҳақли эмас. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган таъсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақли.

Меҳнат шароити нуқолай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Адлия вазирлигида 2012 йил 29 августда 2387-сон билан рўйхатга олинган Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-3-ило-валарида белгиланган.

Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган, деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказишни талаб қилиши ҳақли.

Демак, сиз ўз ҳисобингиздан эмас, иш берувчи ҳисобидан тиббий кўриқдан ўтказилишингиз керак.

### САВОЛ:

*Фарзандим коллеж ўқувчиси. Ўзим оилавий поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлайман. Фарзандимнинг соғлиғи сабаб бюллетенга (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси) чиққандим. Ишхонам бюллетень учун 100 фоиз эмас, 80 фоиз ҳақ тўлаб берамиз дегепти. Шу тўғрими?*

### ЖАВОБ:

Тўғри, Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибига оид Низом (Адлия вазирлигида 2002 йил 8 майда 1136-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) нинг 26-бандига кўра, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъи назар, иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда куйидагиларга тўланади:

ишлайётган 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига;

байналмилал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч еки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини

туғатишда қатнашган ходимларга;

Чернобиль АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва ҳавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга.

27-бандида белгиланганидек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов (лепра) касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича

ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий сугурта бадали тўланган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси куйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажини 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди;

б) умумий иш стажини 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдориди;

в) умумий иш стажини 5 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди. Маъзур Низомнинг 26 ва 27-бандларида назарда тутилган ходимлардан ташқари қолган ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа куйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажини 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳақда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдориди;

б) умумий иш стажини 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди.

### САВОЛ:

*40 йилдан бери ҳамшира, 3 йилдан бери патронаж ҳамшираси вазифасида ишлаб келаяпман. Буйруғимга патронаж деб ёзилганини учун устама тўланмапти. Илтимос, шунга оид динлик киритиб берсангиз.*

### ЖАВОБ:

Агар ҳақиқатда умумий амалиёт тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлаб, лавозим мажбуриятларини бажаряётган бўлсангиз, у ҳолда буйруқда ҳам патронаж ҳамшира деб кўрсатилиши лозим.

Умумий амалиёт тиббиёт ҳамшираларига улуғсиз ишланган биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиз миқдорда белгиланади. Устаманинг энг кўп миқдори 40 фоиз.

### САВОЛ:

*Ходим Россия давлатидаги олий ўқув юртида сиртдан ўқийди. Ҳозир сессия бошланиши сабабли ўқини билан боғлиқ таътил беришни сўрамоқда. Аммо у имтиҳон топшириш учун Россияга бормайди карантин туфайли. Бу ходимга ўқини билан боғлиқ таътил бериладими ёки бермаса ҳам бўладими? Чунки у масофада туриб имтиҳон топширади.*

### ЖАВОБ:

Меҳнат кодексининг 256-моддасида олий ва ўрта махсус ўқув юр-лариди таълим олиш муносабати билан бериладиган таътиллار назарда тутилган.

Унга биноан олий ва ўрта махсус ўқув юр-ларида таълим олаётган ходимларга таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даврида куйидаги тартибда:

– биринчи ва иккинчи курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юр-ларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календарь кун;

– ўрта махсус ўқув юр-ларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўн календарь кун;

– олий ва ўрта махсус ўқув юр-ларида сиртдан таълим олаётганларга ҳар йили камида қирқ календарь кун;

– олий ва ўрта махсус ўқув юр-ларида битирув имтиҳонларини топшириш даврида камида ўттиз календарь кун;

– диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ёқлаш даврида олий ўқув юр-ти талабаларига тўрт ой;

– ўрта махсус ўқув юр-ти талабаларига эса икки ой мuddат билан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллари берилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус ўқув юр-тиларининг охириги курсларида ўқийётган ходимларга



### САВОЛ:

*Биз туман тиббиёт бирлашмасида 13 йилдан бери кир ювувчи бўлиб ишлаймиз. Кунига 120 килограмдан ошқ ҳамда қонли операция кирни хлор билан ювамиз. Бир ставка ойлик 650 мине сўм бўлиб, стажимизга қўшилмас экан. Бундан ташқари, карантиндаги кирини ҳам ювяптимиз. Ҳисобчидан «ойлик оз зарарли хлор билан ишлаймиз» десак, «қанча йил ишласангиз ҳам ойлик маошингиз ошмайди, ҳўжалик бўлишга кирасизлар, тиббиёт ходими эмасизлар» деди. Биз тиббиёт муассасасининг кирини ювамиз-ку?*

### ЖАВОБ:

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини янада такомиллаштиришга оид қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида (тартиб рақами – 3119) кир ювиш машинаси оператори учун 4-разряд белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги меҳнат бозоридидаги муносабатларни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирларга оид қарорининг 4-иловасида Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар тасдиқланган бўлиб, унинг 8-бандида барча номлардаги механик, техниклар, операторлар ва лаборантларга ягона тариф сеткаси бўйича 6-разряд белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, штатлар жадвалига «кир ювиш машинаси оператори» деб киритилган бўлса, Сизга 6-разряд белгилиниши лозим.



### САВОЛ:

*Ходим меҳнат таътили ва ўз ҳисобидан олиши мумкин бўлган барча таътиллاردан фойдаланиб бўлди. Ходимнинг асосий иш жойи Тошкент шаҳрида экани, у Тошкент вилоятининг ишга қатнаши, ҳозирда вилоятдан шаҳарга қатнаб ишлайди жамоат транспортининг вақтинча тўхтаётгани, чегара постидан ўтишга қийналаётгани, шунингдек, шахсий машинаси йўқлиги сабабли ишга кела олмапти. Унинг ишини қандай ташкил қилишимиз керак?*

### ЖАВОБ:

Биринчи усул: унинг ишга келиб-кетиши учун автотранспорт воситасини ажратилишига ва чегара постидан ўтиш учун иш жойидан бериладиган рухсатномани расмийлаштириб беришингиз керак.

Иккинчи усул: ходимни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўткази-шингиз мумкин. Бунда ходимнинг иши Адлия вазирли-гида 2020 йил 28 мартда 3228-сон билан рўйхатга олин-ган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартдаги 9-2020/Б-сон буйруғига иловада тас-диқланган «Карантинга оид чоралар амал қилиш дав-рида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинча-лик тартиби тўғрисидаги низом» талаблари асосида таш-кил этилади.

Учинчи усул: ходим билан келишувга асосан, Солиқ кодексининг 374-моддасига кўра, асосий иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш орқали унга таътил бериш. Бу ҳолда ходимнинг ёзма ро-зилиги олиниши шарт.

олий ўқув юр-ларида таълим олаёт-ганларга ҳар йили камида ўттиз календарь кун;

– ўрта махсус ўқув юр-ларида таълим олаётганларга ҳар йили ка-мида йигирма календарь кун;

– олий ва ўрта махсус ўқув юр-ла-рида сиртдан таълим олаётганларга ҳар йили камида қирқ календарь кун;

– олий ва ўрта махсус ўқув юр-ла-рида битирув имтиҳонларини топшириш даврида камида ўттиз календарь кун;

– диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ёқлаш даврида олий ўқув юр-ти талабаларига тўрт ой;


– ўрта махсус ўқув юр-ти талаба-ларига эса икки ой мuddат билан ўр-тача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллари берилиши бел-гилаб қўйилган.

Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус ўқув юр-тиларининг охириги курсларида ўқийётган ходимларга

диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун ўттиз календарь кун мuddат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши ҳам назарда тутилган.

МКнинг 257-моддасида сиртдан таълим олаётган ходимларга лабора-тория-имтиҳон сессиясида қатнашиш мақсадида ўқув юр-ти жойлашган ерга бориши ва у ердан қайтиб келиши учун йилга бир марта йўл қиранинг элик фонддан кам бўлмаган қийма-тини иш берувчи тўлаши ҳам белги-лаб қўйилган.


Демак, ходимга ўқийётган ўқув юр-тидан (олий ёки ўрта махсус), нечанин курсда ўқийётганидан ва ўқийётган шаклидан (кечки ёки сиртқи) келиб чиққан ҳолда, юқорида келтирилган давомийликда таътил берилиши шарт. Аммо ходим имтиҳонларни ўқув юр-тига бормай, масофавий тарзда топ-шириши сабабли унга йўл қира ҳақи тўланмайди.



**Саволларга Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш ва Юридик Бўлими мудири Нодира КАРИМОВА, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ жавоб берди.**

# Ўзингизга инсоф берсин, замондош!

Наврўз байрами арафаси эди. Навоий шаҳридаги деҳқон бозорларидан бирига кирдим. Саросима, миш-миш, тахлика... Ёқангни ушлайсан. Эмишки, короновируснинг давоси саримсоқпиезда... Бир ҳафта олдин баҳоси саккиз-ўн минг сўм бўлган саримсоқпиезнинг нархи саксон беш, тўқсон минг сўмга кўтарилиб кетибди...




Уша кунлари Каттакўрғон, Иштихон туманларидаги деҳқон бозорларига ҳам кирдим. Бир боғ исирик беш-олти минг сўмдан сотилмоқда. Нархи 140 минг сўмлик «Оқтошдон» МЧЖда ишлаб чиқарилган ун 200 минг сўмдан пулланяпти. Оддий тиббиёт ниқобини қишлоқда ҳаминқадар ишлайдиган дорихонадан 4 минг сўмга олдим. Уша кезларда короновирус пандемияси сабаб барча таълим муассасалари ёпилди. Талабалар еппасига уйларида қайтди. Бундай вазиятдан фойдаланиб қолишга одатланган хусусий таксичилар «Тошкент-Самарқанд», «Тошкент-Навоий» йўна-

лишларида йўлқирларни ноинсофларча 400-500 минг сўмга кўтариб юборишди. Бундай ноинсофликлар кучайган бир паллада давлат ўз фуқароларининг жониغا ора кириб, қўшимча чора-тадбирларни белгилади. Талабалар учун махсус автобуслар, таксилар қатнови йўлга қўйилди. Карантин шароитида ўқитувчи ва бошқа касб эгаларига ишламаган кунлар учун ҳам ҳақ тўланиши, маҳаллалар орқали ногирон, боқувчисини йўқотган, кекса ва ёлғиз фуқароларга керагича ун, ёғ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилиши, табиийки, халқи-

мизни беҳад хурсанд қилди. Бундан руҳланган тадбиркорлар ихтиёрий равишда аҳолига ҳомийлик ёрдамларини кўрсатишга киришди. Афсуски, пандемия инсоннинг саломатлиги, ҳаёти учун жиддий хавф солаётган қалтис бир пайтда ҳам баъзи бир нафсини жиловлай олмаган кимсалар инсонпарварлик ёрдамига йўналтирилаётган ҳамда аҳолини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган «Саховат ва кўмак» ҳамда бошқа жамғармаларда тўпланаётган маблағларни талон-торож қилишдан ҳам уялмади. Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳокими ўринбосарининг бошқаларга намуна бўлиш ўрнига, инқирозга қарши жамғарма маблағига кўз олайтирганини кечириб бўлмади. Минг афсуслар бўлсинки, ўз нафсининг қулига айлиб қолганлар Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам бир неча юз миллион сўмлик маблағни ўз манфаатлари

учун сарфлагани маълум бўлди. Инсоф билан айтганда, бундай қинғирликни амалга оширишга эмас, ҳатто шундай фикрга келишнинг ўзи шармандалиқдан бошқа нарса эмас. Яқинда Молия вазирлиги мутаассаддилари короновирусга чалинган тиббий бирлашмаларда ишлайётган шифокорларни қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағлар тақсимотини синчковлик билан ўрганиб чиқди. Дастлабки хулосалар шуни кўрсатдики, мамлакатимиздаги 32 та тиббиёт муассасасида ўзини, оиласини хатарга қўйиб фаолият кўрсатаётган шифокорларнинг 932 нафарига берилиши лозим бўлган 19 миллиард 600 миллион сўм маблағ турли баҳона ва камчиликлар сабаб эгаларига вақтида етказилмаган. Мана шу ишга бевосита алоқадор идоралар раҳбарлари ўзгаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун жонфидолик билан курашаётган шифокорларнинг 300 нафардан ортиқ вирусга чалинганини, уларнинг саломатлиги хавф остида турганини ҳис қилганида эди, зиммасидани вазифаларни кечиктирмасдан, сидқидилдан бажарган бўлишармиди?.. Яна ҳам ким билади, дейсиз? Ноумид – шайтон. Биз асрлар оша тақдир ва табиатнинг жуда кўп синовларидан мардонавор ўтиб келган халқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Шубҳа йўқки, бугунги синовлардан ҳам эсон-омон ўтиб оламиз.

Юртимизда короновирусга қарши жиддий кураш амалга оширилаётган бир пайтда жимгина четда турмоқлик ёки аврани бошқа томонга буриб юбориши шайтонимизга, қадриятларимизга тўғри келмайди. Қолаверса, ҳеч ким китловнинг чоригини қийиб тўйга бормайди. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, ҳар ким ўз кунига омон бўлсин, инсофни ҳар кимнинг ўзига берсин!



Нормуроод МУСОМОВ, «ISHONCH»

## Дилдаги гаплар...

Навоий вилояти

Кўпчилик юртдошларимиз карантин қоидаларига амал қилиш деганда, ўйдан чиқмаслик, қўлларни совун билан тез-тез ювиб туриш ҳамда одамлар гавжум жойларга бормасликни тушунишмоқда. Албатта, бунга рад этиб бўлмайди. Асосий талаб ҳам шулардан иборат.

Шифокор огоҳлантиради!

### Кечирасиз, ниқобингиз тозамми?

ёки ўттиз кишилик тўйларга ҳам ўттиз марта тайёрланиб, янги ниқоб ва рўмолча билан боринг!

## Ҳикоят

Мен нафсимни эллик марта сув тўла ариқ лабига ташна олиб бориб, ташна келтира олам.

Баҳоуддин НАҚШБАНД

Пандемия сабаб дабдабали тўйлар тартибга тушди. Вазият яна бир бор ёшларнинг бахти дабдаба билан, тўйлардаги иштирокчиларнинг сони билан ўлчанмаслигини амалда исботлади. 30 кишилик тўйларга рухсат берилгач, бир ойнинг ўзида юртимиз бўйлаб 1000 дан ошиқ ихчам тўйлар ўтказилгани бу тартиб халқимизга нечоғли маъқул бўлаётганидан дарак беради. Бу ҳақда уларнинг фикрлари билан танишамиз.



Янгилик

# 30 кишилик тўйлар

## Кимга маъқул, кимга...

«Тўй қилдим, қарз бўлмадим...»

Вазира РАҲИМОВА,

Тошкент шаҳридаги

«Хазратни Имом» маҳалласидан:

— Шу пайтгача уч келин туширганман. Улар билан битта ҳовлида истиқомат қиламиз. Кенжа ўғлимни унаштириб қўйгандик. Аммо карантин тўй файли тўй қилолмадик. Махсус комиссиянинг 30 кишилик тўй ўтказишга рухсат бергани бизга жуда маъқул бўлди. Нега десангиз, олдимизда катта фарзандларимга уй-жой қилиш, уларни алоҳида чиқариш ташвиши бор. Шу боис, келин-куёв ва куда томонга таклифимиз маъқул бўлган, тўй кунини белгиладик. Беш киши келини олиб келгани борди. Богда айланашлар, қатор-қатор машиналар кортежи бўлмади. Уйга ҳаммаси бўлиб, 25 нафар атрофида меҳмон келди. Дастурхонга битта таом, икки хил салат ва сомса тортиқ. Ҳаммаси рисоладагидек ўтди. Чарларни, келинсалом каби маросимларни ҳам ўтказмадик. Энг муҳими, илгари ўғилларимни уйлантирганимда бироз қарз кўтарган бўлсам, бу сафар ҳеч кимдан қарз бўлмадик.

Эртаси кунни қўшниларимдан бири «Бўларкан-у шунақа тўй қилса! Мен ҳам ўғлимни уйлантириб олсаммикан?» деб қолди. Қўшимга маслаҳат бериб, унинг фикрини маъқулладим. Биз катта тўй қиламиз, деб тарадду қўрган эдик. Энди иқтисод қилинган маблағни тўғри ўқимизга уй-жой қилиш учун сарфлаш ҳаракатидамиз.

СЕПГА ИККИ БАРОБАР КАМ ХАРАЖАТ

Баҳоидир УМРЗОҚОВ,

Бешарик туманидаги

«Шодликбод» маҳалласидан:

— Шу кунгача бир ўғил уйлантириб, бир қиз узатгандим. 12 июнь кунини иккинчи қизимни узатдик. Тўйдан олдин куёв тараф билан маслаҳатла-

шиб, энг муҳим нарсаларни олишга келишдик. Қудаларимиз жуда тушунган одамлар экан. Мебелларни икки томон ўртада олдик. Бозорлар ёпиқ бўлгани учун кийим-кечакларнинг фақат мавсумийлари олинди. Тўй олди ва тўйдан кейинги маросимлар учун ижарага олинмаган ҳар хил безакли либослар олинмади. Аксинча, ўзимизнинг тикувчиларимиз тиккан оддий, бежирим ва чиройли либослардан олдик. Қизим олийгоҳнинг иккинчи босқичини тугатди. Ҳали олдинда ўқиши бор. Шу боис, дабдабали тўй ўрнига, ихчам тўй ўтказишни маъқул кўрдик. Катта тўйга кетадиган маблағ ёшларнинг келажагига сарфланса, ҳар жиҳатдан фойдали бўлади. Қизимнинг сепига опасининг тўйида сарфланган харажатнинг ярми ҳам кетмади.

Тўйдан кейинги РАҲМАТ

Ҳабибулло АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент шаҳридаги «Чигатой дарвоза» маҳалласи раиси:

— Шу кунга қадар маҳалламизда олти тўй бўлди. Бештасида келин туширилади, бештасида қиз чиқарилади. Ҳар бир тўй ўтган, хонадон соҳиблари ихчам тўйларни ўтказишга рухсат берилгани, ўйлаб юрган муҳим тадбирларини камхарж ўтказиб олгани учун миннатдорчилик билдириб кетишди. Аммо бир сафар маҳалламиздаги оилалардан бирининг ўғли ота-онасининг «30 кишилик тўй ўтказаварайлик» деган таклифига кўнмабди. Эр-хотин «ўғлимиз билан гаплашиб кўринг», деб олдимга чиқди. Ота карантин бошланмасидан олдин дўст-ўрларидан 5000 АҚШ доллари миқдорига қарз олган, аммо карантин тўйга келин олиб келган экан. Ихчам тўй ўтказиш бу оилага ҳар тарафдан маъқул бўлибди. Аммо бўлажак куёв жўраларидан уялишини, кўпчиликнинг тўйга борганини айтиб, 30 кишилик тўйга кўнмабди.

Ийги билан обдон сўхбатлашдим, тушунтирдим. «Отангни қарздор қилиб, тўй ўтқандан кейин

хотир-жам юра оласанми?», деб сўрадим. Ахийри йигит рози бўлди. Тўй ҳам чиройли ўтди. Тўйдан кейин куёв олдимга келиб, «Тўғри маслаҳат берган экансиз. Ҳаммаси яхши. Отам ҳам олган қарзларини қайтариб берди», дея раҳмат айтиб кетди.

ШУ ТАРТИБ ТАОМИЛГА КИРСА...

Абдусалом ХУЖАҚУЛОВ,

Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари:

— Вилоятимизда 100тага яқин 30 кишилик тўйлар бўлиб ўтди. Халқимизнинг ақсарияти ўрта ҳол оилаларга мансуб. Бу – камчилик тўйлар бизга ҳар тарафлама маъқуллигини англатади. Кўпинча оилалардаги уруш-жанжал, «қўйди-чикди»лар ҳам асосан иқтисодий муаммолар сабабли юзга келади. 500 кишилик, 1000 кишилик тўйлар эса ана шу иқтисодий муаммолар гирдобига тортувчи асосий омиллардан бири. Сўнгги ҳафтада Денов шаҳри, Узун, Саросиёё ва Қизирқ туманларида бўлиб, аҳоли билан сўхбатлашдим. Тўй ўтказган юртдошларимизнинг фикрларини тингладим. Ҳамма 30 кишилик тўйдан хурсанд. Кўпчилик карантин туганидан кейин ҳам шу тартиб сақланиб қолса яхши бўларди, деган фикрда. Албатта, олдин катта миқдордаги маблағ сарфланган тўйга ҳозирда жуда кам маблағ сарфланаётти. Иқтисод қилинган маблағ бошқа зарур эhti-ёлларга ишлатилиб, хонадонлар обод бўляпти. Шахсан мен юртдошларимизнинг фикрини қўллаб-қувватлайман. 30 кишилик тўйлар кейинчалик ҳам давом этиши керак.

Зебо НАМОЗОВА,

«ISHONCH»



Бироқ карантин қоидаларига қўшимча сифатида сал бошқачароқ ва амал қилиш қийин бўлмаган тавсиялар ҳам бор. Айни паллада биз фойдаланаётган тиббий ниқоблар бир марталиқ эканини кўпчилигимиз билмаймиз, билсак-да, амал қилмаймиз. Баъзи бир юртдошларимиз дорихоналардан олинган ёки ўзлари қўйбола тикиб олган ниқобларни алмаштирмасдан ёки тозалаб ювмасдан ҳафталаб тақиб юришади. Бу ҳолат китловда карантин пандемиясидан бошқа касалликларни келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Узоқ мuddат фойдаланилган ниқобларга турли инфекциялар йғилиб қолиши, ифлослиниши натижасида унинг тоза ҳаво ўтказувчанлик хусусияти йўқолади. Аксинча, оғиз ва бурунга тоза ҳавони ифлослантириб ўтказилади. Натижада бурун ва оғиз бўшлиқлари, тишлар милки, ўпка атрофида инсон саломатлиги учун зарарли бўлган унсурлар тўпланиб, у оғир асоратларга олиб келиши фанда исботланган. Шунинг учун тиббий ниқобларни тез-тез алмаштириш айтилган мuddадидир. Қолаверса, янги ёки тозаланаётган ниқобларни чўнтакларда олиб юриш ҳам гигиена қоидаларига тўғри келмайди.

Баъзи бир хонадонларда беш-олти киши биргина совун ва сочиқдан фойдаланилаётганини ҳам рад этиб бўлмайди. Айниқса, битта совун ва сочиқдан фойдаланиш бир хонадонга кўпчилик бўлиб меҳмонга борганда тез-тез такрорланади. Аслида юртдошларимиз карантин қоидаларига қатъий амал қилиш билан бирга сила аъзоларининг, кутилаётган меҳмонларнинг ҳар бирига алоҳида совун ва сочиқлардан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳам соғлом турмуш тарзининг асосий белгиларидан биридир.

Айни паллада, короновирус пандемияси сабаб тўйларни 30 кишилик меҳмонлар билан ўтказиш бошлаб юборилди. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда тўйлар ҳовлиларда ўтказилмоқда. Шундай экан, хонадонларда бўлаётган тўй ва бошқа маъракаларда чойнак-пиела, идиш-товоқ каби ошхона анжомларини тез ва тоза ювилишига, қўлларни артиш учун дастурхон четига қўйилган сочиқларнинг тез-тез алмаштириб турилишига ҳам амал қилиниши лозим. Битта пиела ёки стакандан беш-олти кишининг фойдаланиши бугунги кун талабига тўғри келмайди.

Хонадонларда тўйлар қилинганда чай дамлаш, таом ташши масаласида ҳам катта эҳтиёткорлик талаб қилади. Бунинг учун махсус химоя воситалари билан химояланган қариндош-уруғларнинг хизматидан фойдаланиш, короновирус инфекциясидан сақланишда алоҳида аҳамият касб этади.

Тўй ва бошқа маъракаларга боргач, дастурхон атрофида меҳмонлар, табиийки, тиббий ниқобларини ечиб, чўнтакларига жойлашади. Зинҳор ва зинҳор ечиб олинган ниқоблар дастурхон четига қўйилмаслиги шарт. Тиббий ниқоблар дастурхон атрофида ўтиришдан олдин ечиб олиниши айтилган мuddадидир. Дастурхон атрофидан туриш пайтида ҳам ниқобларни дарҳол юзга тақиб олиш атрофдагиларга ёки дастурхондаги идиларга инфекция тушириши мумкин.

Тиббиёт ходими сифатида юртдошларимиздан мана шу айтилганларга қатъий амал қилишни ёки кўпчилик йғиладиган маъракаларга имкон қадар бормасликни тавсия қилар эдик. Айниқса, кичик ёшдаги болаларнинг тўй ва зиёфатларга боришини бутунлай тақиқлаш ҳар бир ота-онанинг олдига турган муҳим вазифадир.

Ойбуви САМАНОВА,

Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаб ва уюшма қўмитаси раиси

Эълонлар

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ Жиззах вилояти филиали «Ishonch» газетасининг шу йил 20 июндаги 66-67(4352)-сонида берилган эълонга қўйидагича ўзгартириш киритилганини маълум қилади:

Объект бошланғич баҳосининг «10 фойздан кам бўлмаган» сўзи «1 фойздан кам бўлмаган» деб ўқилсин.

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ Жиззах вилояти филиали.

Хизматлар лицензияланган

Тошкент давлат аграр университети томонидан 2017 йилда Назарқулов Акбаршоҳ Ҳамроқул ўғли номига берилган ВМ906139 рақамли диплом ҳамда иловаси йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2016 йилда Тошқулова Насиба Анваровна номига берилган №1010 рақамли рейтинг дафтарида йўқолиши сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalarini Federatsiyasi

1339 2010-5000

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси),
- Улугбек ЖАЛИМЕНОВ,
- Анвар АБДУМУХТОРОВ,
- Сайфулла АҲМЕДОВ,
- Акмал САИДОВ,
- Равшан БЕДИЛОВ,
- Қутлимурот СОБИРОВ,
- Сухроб РАФИҚОВ,
- Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
- Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
- Нодира КАРИМОВА,
- Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
- (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Темур МАМАЖОНОВ,
- (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлиб),
- Меҳридин ШУКУРОВ,
- (Маъсум котиб – «Ishonch»),
- Валентина МАРЦЕНЯК
- (Маъсум котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:
- Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
- Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
- Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
- Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
- Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

- Худудлардаги муҳбирлар:
- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
- Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
- Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
- Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
- Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
- Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
- Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
- Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
- Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
- Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
- Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
- Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
- Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда маъна сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Х.Норбоев

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:00

Топшириш вақти – 22:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бўртма 8 – 617. 30062 нўсхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўнларини чиқарибди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТБ «Iroteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТР: 201133889, ОКЭД: 58130